

ҲИНДИСТОН ВА ХИТОЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-30>

Мустапова Хилола Исломовна,
Тошкент давлат шарқшунослик институти
катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Хитой-Ҳиндистон муносабатларининг шаклланиши масаларига бағишланган бўлиб, унда ўтган асрнинг бошларида ўз мустақиллиги ҳам бўлмаган, аср сўнггига келиб жаҳон сиёсатида мустақкам ўринга эга Хитой ва Ҳиндистон ўзаро сиёсий, иқтисодий муносабатлари таҳлили амалга оширилган. Шунингдек, XX асрнинг охириги ўн йиллигида Осиё қитъасининг икки буюк давлати Хитой ва Ҳиндистоннинг халқаро майдондаги нуфузи Осиё қитъасида сезиларли даражада ошиши, Хитой ва Ҳиндистон муносабатларининг Осиё минтақаси ҳаётида муҳим аҳамияти, Осиёдаги геосиёсий жараёнларда уларнинг иштироки кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: геосиёсий рақиб, “беш йўқ” принципи, “Хитой таҳдиди” назарияси, ядро қуролига эга, амбициялар, ҳарбий имкониятлар, чегаравий муоммолар, яқин қўшничилик стратегияси, «фактик назорат линияси», геосиёсий жараёнлар.

ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ИНДО-КИТАЙСКИХ ОТНОШЕНИЙ

Мустапова Хилола Исломовна,
старший преподаватель Ташкентского
государственного института востоковедения

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена задачам развития китайско-индийских отношений, у которых в начале прошлого века не было даже независимости. Основное внимание уделяется анализу политических и экономических отношений между Китаем и Индией, которые занимают прочное место в мировой политике в конце прошлого века

Также исследуется место и роль двух мировых государств азиатского континента в международной арене, участие Китая и Индии в геополитических процессах в Азии в последнее десятилетие двадцатого столетия.

Ключевые слова: геополитический соперник, принцип «пяти нет», теория «китайской угрозы», имеет ядерное оружие, амбиции, военный потенциал, пограничные проблемы, стратегия соседства, «фактическая линия управления», геополитические процессы

FEATURES OF THE FORMATION AND DEVELOPMENT OF INDIAN-CHINESE RELATIONS

Mustapova Xilola,

Head Teacher of the Tashkent State Institute of Oriental Studies

ANNOTATION

This article focuses on the development of Chinese-Indian relations, in which there was no independence at the beginning of the last century, and an analysis of political and economic relations between China and India, which has a strong place in the world politics at the end of the century. In the last decade of the twentieth century, two major states of the Asian continent, China and India, have enjoyed considerable growth in the Asian continent, their role in the Asian region and their involvement scale in the geopolitical processes in Asia.

Key words: geopolitical rivalry, the principle of «five bullet», the theory of «Chinese threat», nuclear weapon, ambitions, military capabilities, boundary problems, neighborhood strategy, «actual control line», geopolitical processes.

Ўтган асрнинг бошларида ўз мустақиллиги ҳам бўлмаган, аср сўнггига келиб жаҳон сиёсатида мустақкам ўринга эга Ҳиндистон ва Ҳитой муносабатлари кейинги йилларда кўпчилик олимларнинг диққат марказида. XX асрнинг охириги ўн йиллигида Осиё китъасининг икки буюк давлати Ҳитой ва Ҳиндистоннинг халқаро майдондаги нуфузи сезиларли даражада ошди. Мазкур икки давлатда салкам икки ярим миллиард аҳоли яшайди, бу сайёрамиз аҳолисининг 40 фоизини ташкил этади. Ҳитой ва Ҳиндистон муносабатлари Осиё минтақаси ҳаётида муҳим аҳамиятга эга.

Ҳиндистон ва Ҳитой жаҳоннинг энг кўхна цивилизацияларидан ҳисобланишади, аҳоли нуфузи энг кўп бўлган бу давлатлар Осиё ва жаҳонда устунликка даъвогарлар сифатида кўрилади.

Бу икки давлатнинг глобал иқтисодиётга жалб этилиши кечмоқда ва улар ядро куралига эга, ўзларининг ўсиб бораётган амбицияларига эришиш учун ҳарбий имкониятларини тобора кенгайтирмоқда. Улар узоқ вақт давомида минтақалар учун рақобатлашмоқда ва ҳал этилмаган чегаравий муоммолар жиддий тўқнашувларгача олиб келиши мумкин.

Сўнги йилларда ўзаро муносабатларни доимий равишда олий даражадаги ташрифлар билан барқарорлаштиришга интиломоқда.

Дўстона муносабатларни тиклаш ўзаро ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг зарурияти , қатъий ва мустақкам иқтисодий ўсиш ва хавфсизликка асосланади.

Сиёсий, маданий ва иқтисодий соҳада ўзаро фаолият ва алоқаларнинг ривожини, ўсишига қарамасдан икки давлат қарашлари, позициялари ва умидларида жиддий тафовут ярим асрдан буён давом этмоқда.

Ҳитой Ҳиндистонни Жанубий Осиёда муҳим рол ўйнашини ва тенг рақиб

сифатида намоён бўлишини истамайди.

Хитой ўзаро муносабатларда Ҳиндистон “беш йўқ” принципларига амал қилишни хоҳлайди[1].

- “Хитой таҳдиди назария”сидан воз кечиш;
- Тибет ёки Тайваннинг мустақиллик ҳаракатларини қўллаб қувватламаслик;
- Хитой-Покистон стратегик ҳамкорлигига эътироз билдирмаслик;
- АҚШ ва Япониянинг Хитойни тийиб туриш сиёсатига қўшилмаслик;
- Осиёда ўзини Хитойга қарши ёки унга тенг рақиб сифатида кўрмаслик ёки тасаввур қилмаслик(иктисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда)

Ушбу беш принцип асосида Хитой Ҳиндистон билан ўзининг яқин қўшничилик стратегияси қисми сифатида алоқаларни ривожлантиришга тайёр. 1962 йил Ҳиндистон ва Хитой ўртасида бошланган уруш туфайли икки давлат ўртасидаги 4056 км чегаралар аниқ демаркация қилингани йўқ.

Хитой Ҳиндистон билан 1950 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатди. 1962 йилги уруш туфайли давлатлар ўртасидаги муносабатларга совуқчилик тушди. Узоқ вақт давомида олий даражадаги расмий ташрифлар амалга оширилмади. Фақатгина ўтган асрнинг 80-йилларига келиб ўзаро муносабатларда илиқлик кузатила бошланди. Бу илиқликнинг намунаси сифатида 1988 йил Ҳиндистон Бош вазири Ражив Ганди Хитойга ташриф буюрди. Ушбу ташриф Хитойга Ҳиндистон томонидан олий даражадаги сўнги 34 йилдаги илк ташриф эди [2]. Ташриф давлатлар орасидаги узоқ вақт давом этган келишмовчиликларнинг юмшашига замин яратди.


1991 йили декабрда ХХР давлат кенгаши раиси Ли Пэн сўнги 31 йилдаги Хитой раҳбарларининг Ҳиндистонга биринчи ташрифини амалга оширди. Томонлар имзолаган қўшма коммюникеда ўзаро алоқаларни тинч тотув яшашнинг беш принципи асосида олиб борилиши таъкидланди [3].

XX асрнинг 90-йилларида ўзаро муносабатларда жонланиш кузатилди. Олий даражадаги ташрифлар сони ҳам ошди. ХХР раиси Цзян Цзэминнинг 1996 йил Ҳиндистон, Покистон ва Непалга ташрифида Жанубий Осиё давлатлари ва Хитой ўртасидаги узоқ муддатли, барқарор ва яхши қўшничилик муносабатларини шакллантириш тўғрисидаги беш таклифни киритди: [4]

- Алоқаларни ва анъанавий дўстликни мустаҳкамлаш;
- Ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик;
- Ўзаро фойда ва умумий тараққиёт учун қулай муҳитни яратиш;
- Ўзаро қарама-қаршиликларнинг олдини олиш;
- Дўстона ҳамкорлик.

XXI асрда Хитой ва Ҳиндистоннинг жаҳон сиёсатидаги ўрни тўғрисида фикрларини билдирган кўпчилик мутахассислар бу аср мазкур давлатлар асри бўлиши таъкидлашади. Буни ҳис қилган Хитой ва Ҳиндистон янги асрда ҳамкорлик ва дўстлик муносабатларини кучайтиришга ҳаракат қилишмоқда.

2003 йили 23 июнда Ҳиндистон Бош вазири Атал Бимхари Ваджапаи Хитойга ташриф буюрди. Ташриф якунида ХХР ва Ҳиндистон ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик ва муносабатлар принциплари тўғрисидаги қўшма декларация



имзоланди. Шу билан бирга ҳамкорликнинг турли соҳаларига оид 9 битим имзоланди. Ҳиндистон ташқи ишлар бўйича котиби Канвал Сибаланинг сўзига қараганда, Хитой бош вазири ушбу ташрифда ўзаро муаммоларнинг ечими бўйича уч фазали ёндашув таклиф қилди:

1. Муаммолардан чиқиш йўлини топиш
2. Ўзаро англашувга ташқи салбий таъсирларнинг аралашувиغا йўл қўймаслик
3. Ечимларни топиш учун маслаҳатлашувлар топиш.

2005-йили ХХР Давлат Кенгаши раиси Вен Цзябаонинг Ҳиндистонга ташриф якунида томонлар стратегик ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш мақсадида эътиборини билдиришди.

Сиёсий, савдо-иқтисодий ҳамкорлик билан бирга фан-таълим ва гуманитар соҳаларда ҳам ҳамкорлик ривожлантирилмоқда. 2006 йил Ҳиндистон –Хитой дўстлиги йили деб эълон қилинди [5].

Аммо давлатлар ўртасидаги муносабатларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатувчи бир қатор муаммолар мавжуд. Улардан биринчиси чегаравий-худудий муаммо бўлса, кейингиси Тибет муаммосидир. 2009 йил августда Нью-Дехлида ХХР-Ҳиндистон чегара муаммолари бўйича музокараларнинг 13-раунди бўлиб ўтди. Унда муаммоларни ечиш чора-тадбирларини кўриш бўйича музокаралар олиб борилди.

Икки давлат ўртасида муносабатлар ўрнатилгандан то ҳозирги кунгача бўлган даврда ўзаро муносабатларда Тибет масаласи салмоқли аҳамият касб этади.

Тибет мухтор райони Хитой Халқ Республикасининг энг йирик миллий районларидан бири бўлиб, майдони 1,2 миллион квадрат километр, аҳолиси 2,5 миллион киши [6]. Аммо, ТМР ҳудуди тарихий Тибет ҳудудининг 40 фоиздан кўпроғини эгаллайди. Тибет тоғлари Брахмапутра, Хуанхэ, Янцзи, Ҳинд, Меконг каби Осиёнинг йирик дарёларининг манбаи ҳисобланади. Расмий манбаларга кўра, Тибетда 126 хил минераллар мавжуд, шу жумладан уран, темир, олтин, литий, боксит, мис, кўмир туз, нефть ва бошқалар. Тибетнинг Хитой учун стратегик аҳамиятли жиҳатларидан бири шуки, у Ҳиндистон, Непал, Бутан, Мьянма билан чегарадош [7].

Тибет Мухтор Райони масаласи Хитой-Ҳиндистон муносабатларида асосий ўринни эгаллайди. Бу масала мазкур давлатларнинг Тибетдаги сгратегик манфаатлари ва икки давлат ўртасида ҳозирги кунгача ҳал қилинмаётган худудий-чегаравий баҳсларга боғлиқдир.

1950-1951 йиллардаги ҳарбий ҳаракатлар натижасида Хитой халқ озодлик армияси Тибетни эгаллади. Ҳиндистон шимолий чегарасида қудратли давлатнинг пайдо бўлиши расмий доираларда хавотир уйғотди. Ҳиндистонлик тадқиқотчи М.Десаининг фикрича, Тибет Ҳиндистоннинг шимолдаги стратегик сарҳадларига жиддий хавф солади. 1959 йил март ойида Лхасада ХХР ҳукуматига қарши қуролли кўзғолон кўтарилди. Кўзғолон бостирилгандан кейин, Тибетнинг дунёвий ва диний раҳбари Далай-лама XIV, диний ва дунёвий арбоблар ва минглаб тибетликлар Ҳиндистонга қочиб ўтишиб, бу ердан қочок мақомига эга бўлдилар. 1962 йил кузида Хитой ва Ҳиндистон чегарасида бўлиб ўтган жанговар ҳаракатлар

натижасида Хитой ҳозиргача Ҳиндистон ўз ҳудуди деб ҳисоблаб келаётган бир қанча районларни эгаллади. Хитой ва Ҳиндистон ўртасидаги чегара «фактик назорат линияси»орқали ўтадиган бўлди [8]. Ўтган асрнинг 60-80 йилларида икки давлат ўртасидаги муносабатларда илиқлик кузатилди.

1987 йил Лхасада Тибет мустақиллигини талаб қилувчилар томонидан тартибсизликлар уюштирилди. Ҳиндистон томони Тибетдаги тартибсизликлар Хитойнинг ички иши эканлигини эътироф этишди. XX асрнинг 80-90 йилларида Далай-лама XIV томонидан Тибет мустақиллиги муаммосига халқаро аҳамият берилган бўлса-да, Ҳиндистон ўз ҳудудида Тибетнинг маънавий раҳбарига антихитой фаолиятига йўл қўймаслигини маълум қилди.

2003 йил 23 июнда йил имзоланган Хитой-Ҳиндистон қўшма декларациясида Ҳиндистон томони Тибет Мухтор райони ХХР ҳудудининг қисми эканлигини тан олади ва Ҳиндистон ҳудудида тибетликлар томонидан аксилхитой сиёсий фаолиятни амалга оширишга йўл қўймаслигини қайд қилинган.

Ҳиндистонлик тадқиқотчи Р.Каданнинг ёзишича, Ҳиндистон Тибет муаммосини тартибга солиш учун зарур муҳитни яратишда маъқул воситачи ва ёрдамчи бўлиши мумкин [9]. Ҳиндистон томонидан Тибетнинг Хитойга тегишлилиги ҳақидаги расмий позицияси ижобий бўлишига қарамасдан, баъзи хитойлик олимлар уни тузоқ сифатида кўрмоқда.

ХХР халқаро муаммоларни ўрганиш институти илмий ходими Е Чжен-цзя нинг фикрича:» Ҳиндистон ҳукумати Тибет мухтор районини тан олади, Ҳиндистондаги Далай-лама фақатгина диний етакчи ҳисобланади, унинг мамлакат ҳудудида аксилхитой сиёсий фаолият олиб боришига рухсат бермайди. Аммо Ҳиндистон ҳукумати ҳозирги кунгача бу ердаги Далайламанинг «қувгинликдаги ҳукумат» фаолиятини тақиқлагани йўқ.

Хитой замонавий халқаро муносабатлар тадқиқотлар маркази эксперти Чжан Вэнь-му таъкидига кўра, Ҳиндистон доимо Кашмир масаласининг байналмилаллашувига қарши чиққан, бу жиҳатдан Тибет масаласида ўз позициясини аниқ билдиргани йўқ.

Тибет масаласи бўйича Хитой ва Ҳиндистон муносабатларига бир қатор омиллар ўз таъсирини ўтказди.

- Биринчидан, Ҳиндистон ҳудудидаги Дхарамсалада Тибетнинг «қувгинликдаги ҳукумати»и фаолият кўрсатади. Ҳозирги давргача Ҳиндистон бу ҳукумат фаолиятини тақиқламади. Хитой бу масала юзасидан доимо ўз норозилигини билдириб келмоқда.

- Иккинчидан, Ҳиндистонда тибетликларнинг катта диаспораси истиқомат қилади. Расмий маълумотларга кўра, уларнинг сони 100 минг кишидан ошади.

- Учинчидан, 1959 йил Тибетдан қочиб кетган Далай-лама XIV бошчилигидаги Тибетнинг дунёвий ва диний раҳбарларига Ҳиндистон томонидан сиёсий бошпана берилиши ва улар томонидан аксилхитой ташвиқотининг олиб борилиши.

- Тўртинчидан, Ҳиндистон томонидан Тибет масаласига оид аниқ позициянинг маижуд эмаслиги. 1959 йилда Ҳиндистон бош вазири Жавахарлаъл Неру Тибет халқи ўз мустақиллигини қўлга киритишга ҳақли эканлигини



таъкидлаб ўтган [10].

• Хитой ва Ҳиндистон сўнгги йилларда ўзаро ҳамкорликка эътибор қаратар экан, давлатлар ўртасидаги муносабатларга тўсқинлик қилувчи муаммоларнинг ечимини топишга интиломда.

Аммо шуни таъкидлаш керакки, Хитой ТМР ва тибетликларга нисбатан юритаётган сиёсатини керакли даражада ўзгартирмасда, Ҳиндистон эса ўз ички ва ташқи сиёсатида Тибет масаласига оид позициясини қатъий белгилаб олмаса, бу масала давлатлар ўртасидаги муносабатларга узоқ йиллар мобайнида ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Тибет муаммоси нафақат Хитой ва Ҳиндистон муносабатларига, балки Хитойнинг бошқа давлатлар билан алоқаларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Умуман, Осиёнинг бу давлатлари ўзининг кучли сиёсий, иқтисодий, ҳарбий илмий-техник салоҳияти билан жаҳон сиёсатида катта аҳамиятга эга. Улар ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиши минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда устуворлик қилади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Mohan Malik. India-China relations: Giants stir, cooperation and compete. Asia-Pacific Centre for Security studies. Special assessment. October 2004.
2. C.V. Ranganathan. The long road to achieving an "The India-China strategic and cooperative partnership for peace and development" // Indian Foreign Policy: Challenges and Opportunities
3. Edition Sinha A., Mohta M. New Delhi : Academic Foundation, 2007. – P 669-687.
4. Кузнецов В. КНР-Индия. Трудный путь к взаимопониманию // Азия и Африка сегодня. 2004, № 5. – С 2-11
5. Ихуан Ч. Дипломатия Китая. Перевод Чжао Сюцинъ и др. Межконтинентальное изд-во Китая., 2005. – М. – С. 94-96
6. Баргер Я. Китай-глобальная держава 21 века // Азия и Африка сегодня. 2006, № 3. – С 2-13
7. Богословский В.А. Тибетский район КНР. – М.: Наука, 1978. – С. 5.
8. Ванесса Л., Майкл Бенсон. Современный Китай. – М.: Астрель, 2006. – С. 231.
9. Дударбрюк А. Проблема территориально-пограничного спора в современных международных отношениях // Журнал международного права и международных отношений, 2005. №4.
10. Ўша жойда
11. Тибет. Правда, основанная на фактах. Издание Департамента информации и международных отношений Центральной тибетской администрации Его Святейшества Далай-лама I». – P. 11.